ФОЛЬКЛОРНИНГ КИНО САНЪАТИДАГИ ТАЛҚИНИ

https://doi.org/10.70728/orien.v07.i04.004

Музаффарова Сабина Вохидовна
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият инситутути

Аннотация: Ушбу мақолада фольклор орқали миллатнинг қадриятлари ва жозибасини акс эттирувчи сценарийларнинг кинофильмлардаги талқини ҳамда маданий мероснинг кино тили орқали ифодаланишида режиссёрлик ёндашувининг ўрни алоҳида таъкидланади.

Калит сўзлар: фольклор, сценарий, режиссёр, фильм, кино тили, оператор

INTERPRETATION OF FOLKLORE IN CINEMA

Muzaffarova Sabina Vokhidovna
Uzbekistan State Institute of Arts and Culture

Abstract: This article emphasizes the role of the director’s approach in the interpretation of screenplays that reflect national values and cultural attractiveness through folklore in feature films, as well as in the representation of cultural heritage through the language of cinema.

Keywords: folklore, screenplay, director, film, cinematic language, cinematographer

Фольклор - халқнинг юрагидан чиққан овоз, асрлар оша янграётган ҳаёт қўшиғидир. Унда халқнинг дарди, қувончи, орзуси яшайди. Ҳар бир эртак, қўшиқ, мақол - миллатнинг ҳаётий тажрибаси туфайли ёзилган халқ оғзаки ижодининг тирик тарихидир. Фольклор - аслида инглиз тилидан олинган бўлиб “фолк” - халқ, “лоре” - донолик, билим, “халқ оғзаки ижоди” деган маънони англатади. Республика мустақиллигидан кейин у том маънода янгича мазмун ва моҳият касб этди. Жумладан «Алпомиш» достонининг минг йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Халқ меросини оғиздан- оғизга ўтказиб келган бахшиларнинг ижодини қўллаб -қувватлаш мақсадида «Ўзбекистон халқ бахшиси» унвони жорий этилди. Бу эса миллий маънавиятнинг асосларига бўлган эътиборнинг намунаси бўлиб, халқ оғзаки ижодини янада юксалишига хизмат қилди. Республиканинг Биринчи Президенти И.Каримов ўзининг «Юксак маънавият - енгилмас куч» китобида «Алпомиш» достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик

(cc) BY

қўшиғидир. Агарки халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи тугамас достон бўлса, «Алпомиш» ана шу достоннинг шоҳ байти, десак, тўғри бўлади». - деб ёзганди. Бу баҳо нафақат «Алпомиш» достонига, балки фольклор асарларига, шунингдек миллий-маънавиятимизга берилган юксак эътирофдир. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришганимиздан кейин фольклор миллий маънавиятимизни шакллантирувчи асосий омиллардан бири сифатида илмий жиҳатдан чуқур ўрганиб келинмоқда.

Масалан, халқ қўшиқлари, тўй маросимлари, аллалар ёки қадимий афсоналар фильм саҳнасида жонланар экан, ёш томошабин унда ўз миллатининг тарихини кўради. Бу эса унинг миллий ўзлигига садоқатини кучайтиради. Шу боис, таълим, санъат ва маданиятда фольклор унсурларини замонавий кино, театр, анимация, адабиёт орқали қайта талқин қилиш, уларни келажак авлод тафаккурига сингдириш долзарблик касб этмоқда. Зеро, халқ оғзаки ижоди - бу шунчаки сўз санъати эмас, балки миллатнинг тили, руҳи, тафаккури ва тарихининг жонли манзарасидир.

Фольклор нафақат оғзаки ижод намунаси, балки драматургия ва сценарий санъатининг илдизидир. Кино санъати эса ушбу меросни визуал воситалар орқали қайта ифодалаш имконини берадиган замонавий санъат тури ҳисобланади. Фольклор ва кино ўртасидаги боғлиқлик тасодифий эмас: фольклор сюжет, образ ва конфликт жиҳатидан драматургик тизимга эга бўлгани сабабли кино учун қулай манба вазифасини бажаради.

Кинематография тарихида фольклор мотивлари дастлаб халқ эртаклари ва латифаларини экранлаштириш орқали намоён бўлган. XX асрнинг биринчи ярмида Европа ва совет киносида фольклор асосидаги фильмлар алоҳида йўналиш сифатида шаклланаркан, бу жараёнда халқ онгида аллақачон мавжуд бўлган сюжет ва образлар кино тилига мослаштирилишга ҳаракат қилинган.

Ўзбек киносида фольклор 1940-йиллардан бошлаб фаол қўлланила бошлади:

- «Алпомиш» миллий эпоснинг кинодаги энг мукаммал қайта яратилиши учун ҳаракат бошланган. Чунки Алпомиш - миллий қаҳрамон, жасоратли йигит бўлиб, унинг образига миллатга хос севги, садоқат ва адолат ғоялар сингдирилган.[1]

Агар фильмдаги фольклор унсурларига эътибор қаратилса унда мольклор унсурлари унда халқ ижодига хос қуйидаги мотив ва белгиларга кенг ўрин берилган. Жумладан: қаҳрамонлик руҳи - Алпомиш образи халқ орзуларининг мужассамидир. У юрти, халқи ва севгилисини ҳимоя қилади. Бу образ орқали миллатнинг жасорат, садоқат, ватанпарварлик каби қадриятлари ифодаланади. Фильм Алпомишнинг туғилиши, етишиб улғайиши, синовлардан ўтиши,

[1] Ислом Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч .-Тошкент: Маънавият, 2008.-Б.32-33.

(cc) BY

Барчинойни озод этиш учун кураши фольклор достонларига хос сюжет тузилмасига эга. Шунингдек фильмда халқ маросимлари - тўй, йиғин, жангга тайёргарлик, дуо қилиш каби саҳналар ўзбек халқининг урф-одатлари билан уйғунлаштирилган. Бу маросимлар орқали миллий қадриятлар жонли тарзда экранга кўчирилган. Фильмда Бахшилик анъанасига ҳам кенг ўрин берилган. Унда миллий ғурур ва ўзликни англаш, халқнинг мустаҳкам эътиқоди, руҳияти, урф-одати ва тарихий қаҳрамони орқали ифодаланиши баробарида томошабин аждодларининг ғурурини ҳис қилади. Фольклор асосида яратилган фильмлардада миллий мусиқанинг ўринли қўлланилиши туфайли томошабин ундан эстетик завқ олиши тайин. Чунки халқ куйларининг жозибадорлиги, чолғуларнинг миллий оҳанги фильмга ўзга ҳос руҳ бағишлайди. Алпомиш образи томошабинни ватанпарварлик, садоқат, мардлик, адолатга содиқ бўлишга ундайди. Фильм шунчаки достон эмас, балки ибратли ҳаёт кўзгусидир. Миллатимиз ҳазил мутойибага ишқибозлиги туфайли ўзига хос образни кашф этган Насриддин Афанди образи орқали айёр, зиқна кишиларни кулги остига олишга ҳаракат қилган. Ушбу қаҳрамон халқ латифаларида ақл-заковат, киноя ва ижтимоий танқид тимсоли сифатида шаклланган.У билан боғлиқ латифалар асосидаги фильм фольклор латифаларига таянган ҳолда турфа воқеалар фонида яратилган. (“Насриддин Бухорода” фильми режиссёри Яков Протазановдир.) Унда Афанди образи нафақат кулгили қаҳрамон, балки адолатсизликка қарши муносабат билдирувчи халқ вакили сифатида намоён бўлади. Мазкур фильмда фольклордан тайёр сценарий сифатида эмас, балки латифалар сюжети кенгайтирилиб, образлар ижтимоий маъно билан бойитилган ҳолда драматургик асос сифатида фойдаланилган. Замонавий ўзбек киносида фольклор кўпинча маросим ва кундалик турмуш унсурлари орқали ифодаланади. Бу ҳол фольклорнинг яшовчан шакли сифатида намоён бўлади.Режиссур Т.Юнусов ўзининг “Тангалик болалар” фильмида мавсумий маросим фольклори бадиий восита сифатида акс эттиришга ҳаракат қилган. Шунингдек, “Тангалик болалар” фильмида болалар фольклори, маҳалла муҳити, ўйинлар ва кундалик нутқ элементлари орқали миллий муҳит яратилади. Фильмда фольклор тўғридан-тўғри сюжет сифатида эмас, балки атмосфера ва бадиий фон вазифасини бажаради.

Бу каби фильмлар фольклорнинг замонавий кино тилида табиий ва функционал тарзда қўлланилаётганини кўрсатади.

Драматург Э.Хушвақтов ва режиссёр М.Абзалов ҳамкорликда яратган “Чимилдик” фильмида ўзбек тўй маросимига хос бўлган удумлар, оилавий муносабатлар ва анъанавий қарашлар драматик конфликтнинг муҳим қисми сифатида фойдаланилагн. Чимилдик нафақат қадрият, балки рамзий маъно сифатида талқин қилинади. Фильмда ўринли ишлатилган халқ қўшиқлари - халқ

(cc) BY

оғзаки ижодининг намунаси бўлиб, унда инсоннинг ҳис-туйғулари, руҳий кечинмалари ва ҳаётий қарашларини ифодалайди.

Халқ оғзаки ижодида тўй ва мотам, меҳнат қўшиқлари, аллалар, термалар, лирик-маиший қўшиқлар ҳамда болалар фольклорига бўлинади. Унда халқнинг руҳий дунёси, ижтимоий ҳаёти ва эстетик қарашларини акс эттиради.Масалан,“Чимилдиқ” фильмида (“ айнан шу фольклор унсурлари ўзига хос бадиий ёндашув билан қўлланилган. Тўй маросимлари жараёнида ижро этиладиган “Оху-воҳ”, “Иллила ё Иллила”, “Қуралай кўз” каби халқ қўшиқлари орқали фильмда ўзбек халқининг мусиқий мероси, куй-оҳанглари ва маросим маданияти кенг ёритилган. Бу қўшиқлар фильмларда, ҳиссий самимият ва миллий колорит бахш этади.

Фильмда кўплаб урф-одатлар табиий мазмуни билан акс этган. Масалан, қизнинг ота уйидан чиқиб кетиши, отасига таъзим қилиши ва оқ фотиҳа билан кузатилиши ўзбек халқининг қадимий анъаналаридан бири сифатида, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маънавий қадриятни ифодалайди.чимилдиқ маросимида келин ва куёвга катта, кўзгу берилиши - уларнинг ҳаёти ойна каби мусаффо бўлиши рамзидир. Шунингдек, асал едириш ва новвот суви ичириш маросимлари - ҳаётларининг ширин, тотли бўлишига ишора қилинади.

Фольклор кино учун тайёр материал сифатида хизмат қилиши бир нечта омиллар билан белгиланади:

1. Тайёр сюжет структурасининг мавжудлиги: кўплаб эртак ва афсоналарда экспозиция, ривож, кульминация ва ечим аниқ белгиланган. Бу кино драматургияси учун қулай асос яратади.

2. Образларнинг шаклланган рамзийлиги: фольклор қаҳрамонлари - Алпомиш, Барчин, Зумрад, дев, пари, аждарҳо - ўзининг рамзий мазмуни билан фильмга маъно қатламини қўшади. Визуал талқинда улар кучли таъсирга эга образлар сифатида намоён бўлади.

3. Аниқ конфликтнинг мавжудлиги: фольклордаги яхшилик ва ёмонлик қарама-қаршилиги кино драматургиясининг марказий тамойилларидан бири бўлиб, сценарий учун табиий ҳаракат кучини яратади.

4. Эстетик ва маросим қатламларининг бойлиги: маросим фольклори - тўй маросимлари, болага исм қўйиш, муносабат удумлари - фильмда миллийликни кучайтирувчи тасвирий қатлам вазифасини бажаради.

Уларни акс эттиришдаги режиссёрлик ёндашуви эса фольклорга асосланган сценарийларни кинофильмда талқин этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки фольклор тайёр кино материали эмас, балки мажозий маъно англатувчи рамзлар, образлар ва маънавий мазмун мажмуасидир. Уларни экран тилига мос, таъсирчан ва замонавий шаклга айлантириш айнан режиссёр маҳоратига боғлиқ.Режиссёр фольклордаги миллий қадриятларни тўғридан-тўғри кўчириб

(cc) BY

қўймай, балки уларни ўзига хос образлар, драматик ривож ва қаҳрамонлар характери орқали очиб беришга интилади. Кадр композицияси, ранг ечими, мусиқа, ритм орқали миллатнинг руҳи ва жозибаси ифодаланади. Нотўғри ёндашув фольклорни юзаки ва саҳнавий қилиб қўйса, тўғри режиссёрлик ечими уни мазмунан чуқур ва умуминсоний даражага кўтаради.

Шунингдек, “Тангалик болалар” фильмида болалар фольклори, маҳалла муҳити, ўйинлар ва кундалик нутқ элементлари орқали миллий муҳит яратилади. Фильмда фольклор тўғридан-тўғри сюжет сифатида эмас, балки атмосфера ва бадиий фон вазифасини бажаради.

Фольклор кино санъати учун бой сюжет, рамзий образлар ва анъанавий драматик структура манбаи сифатида муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек кинематографияси тарихидаги кўплаб муваффақиятли фильмлар айнан фольклорга таянган ҳолда яратилгани унинг кино драматургиясидаги ўрнини яққол исботлайди. Фольклор асосидаги экран асарлари миллий маданиятни тарғиб қилади, халқнинг тарихий хотирасини сақлайди ва кино санъатининг бадиий имкониятларини кенгайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Т.Мирзаев, Ш.Турдимов, М.Жўраев, Ж.Эшонқулов,А.Тилавов. Ўзбек фольклори. -Тошкент “Тафаккур - бўстони” 2020

2. Д.Хусанов, С.Алимов. Фольклор ва этнография.-Тошкент 2009

3. Т.Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ўраева Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. Тошкент-2008

4. Жаббор Эшонқулов. Фольклор: Образ ва талқин. -Қарши “Насаф” нашриёти 1999

(cc) BY